

Пайғамбар алайҳиссалом даврида қурилган Ҳиндистондаги масжид очилади



11:00 / 30.09.2021 2723

Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликларида қурилган масжид яқин келажакда Ҳиндистонда очилади.

Мусулмонлар масжиди Ҳиндистон ярим ороли ҳудудидаги энг қадимгиси ҳисобланади.

Тарихий маълумотларга кўра, масжид 629 йилда қурилган. Бундан бир неча йил аввал маҳаллий ҳукмдор Чераман Перумал Саудия Арабистонига ташриф буюриб, у ерда Пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салам билан шахсан учрашиб, исломни қабул қилган.

Ватанига қайтаётиб ҳукмдор вафот этди, аммо у билан бирга сафар қилаётган форс олими ҳамроҳи Молик ибн Динор Перумала салтанатида

масжид қуришга қарор қилди. Ҳозир бу Керала штатидаги Триссур округида.

Кўп асрлар давомида бино вайрон қилинган ва қайта қурилган, аммо сўнгги йилларда давлат қайта қуриш жараёнини шахсан ўз назоратига олди. Уша давр масжидлари архитектурасига хос камтарона қиёфа мутахассислар томонидан астойдил тикланди, бундан ташқари, масжид қошида Ислом музейи қурилди.

Манба: Ўзбекистон мусулмонлари идораси матбуот хизмати